

ШАРТНОМА № 20

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш хақида)

«13 » Феврал 2022 йил

Дангара тумани .

Дангара туман ҳокимлиги шаҳар ҳокими Тожихакимов Шухратжон

(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

бундан буён бир томондан «Сотиб оловчи» деб юритилади, низом асосида харакат қилувчи, иккинчи томондан
YUSUPOV ZOXID TREDE X/K (хўжалик юритувчи субъект, ФИШ) **Юсупов Аъзамжон Обиджон ўғли**
 низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуидагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Сотиб оловчи» эса кабул қилиб олинган маҳсулот еки
 товар (курсатилган хизмат) учун туловларни белгиланган тартибида амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

| № | Товарнинг номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|--|---------------|---------|---------|--------------------|
| 1 | Персональ компьютер: LCD монитор 24, H410, CPU i3 10100, DDR4 4Gb, HDD 1TB-31, Coller, E2 combo, Case 500W, Web камера, калонка, клавиатура и мышка. | дона | 49 | 2890000 | 141 610 000 |
| 2 | Принтер 3 in 1 рангли | дона | 49 | 5457000 | 267 393 000 |
| x | Жами: | x | x | x | 409 003 000 |

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси **409 003 000** (Турт юз туккиз миллион уч минг) сум
 (ракамлар ва ёзувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотиб оловчи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, маҳсулот (кўрсатилган хизмат)нинг
 30 фоизи микдорида пул маблагини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган холда
 кўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сўнг товарни 3 (уч) кун муддат ичida «Сотиб
 оловчи»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик
 сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий хужжатлар ва «Сотиб оловчи»нинг талабларига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя килган холда ўз вактида «Сотиб оловчи»га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Сотиб оловчи» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни, кайтариб олиб кўйиш
 хукуқига эта;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли
 бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичida алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-
 мулк баҳосини кайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини хисоб-варакларда тўлик ва аниқ номини, маҳсулот навини,
 категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибида
 ракамлаб, тўлик реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Сотиб оловчи»нинг мажбуриятлари:

- «Сотиб оловчи» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда тўловларни амалга ошириш, товарни
 далолатнома тузилиб ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб ўз
 вактида маҳсулотни кабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниклангандан сўнг, ушбу тўғрисида
 тегишли далолатнома тузилиб бу хақида 3 кун ичida «Сотувчи»ни огохлантириш.

- Тўлик расмийлаштирилмаган хамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган хисоб-
 вараклар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл кўйилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун
 томонлар Ўзбекистон Республикаси Конунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида
 жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Сотиб оловчи»га товар ва маҳсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги
 учун кечиктирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 0,5 % микдорида «Сотиб оловчи»га
 пеня тўлайди, лекин пеня микдори кечиктирилган маҳсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.